



Ф. КАРОМАТОВ

ЎЗБЕК ХАЛКИ

МУЗИКА

МЕРОСИ



Ўзбекистон ССР Маданият Министрлиги  
Хамза Ҳақимзода Ниязий номи  
Санъатшунослик институти

Министерство культуры Узбекской ССР  
Институт искусствознания  
имени Хамзы Хаким-заде Ниязи

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1978

Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма  
Ташкент — 1978

Ф. КАРОМАТОВ

ЎЗБЕК  
ХАЛҚИ  
МУЗИКА  
МЕРОСИ  
(ЙИГИРМАНЧИ АСРДА)



1

ҚЎШИҚ

Биринчи китоб

Ф. КАРОМАТОВ

МУЗЫКАЛЬНОЕ  
НАСЛЕДИЕ  
УЗБЕКСКОГО  
НАРОДА  
(В ДВАДЦАТОМ ВЕКЕ)



1

КОШУК

Книга первая



М<sub>к25</sub><sup>1</sup>

Етти жилдада чоп этилиши мўлжалланган мазкур нашр кейинги ўн йилликлар давомида олиб борилган экспедициялар даврида ёзиб олинган ва биринчи дафъа эълон қилинаётган халқ оғзаки поэтик дурдоналаридан иборатдир.

Кўп томликнинг қиммати шундаки, у Ўзбекистоннинг, Урта Осиёнинг бошқа республикалари ва Қозоғистоннинг ўзбек аҳолиси мусиқий фольклорини, шунингдек илгари ёзиб олинмаган ва ўрганилмаган жанрларини ҳам қамраб олади. У ўзбек халқининг бой мусиқий меросини тўлароқ ва ҳар томонлама ўрганишга имкон яратади.

Данное издание в семи томах включает записи фольклорных экспедиций последних десятилетий, не опубликованных до сего времени.

Ценность многотомника — в охвате музыкального фольклора всех областей и районов Узбекистана и узбекских поселений республик Средней Азии и Казахстана. Кроме того, рукопись охватывает многие жанры, ранее не записанные и не изученные. Издание многотомника будет способствовать более полному и всестороннему знакомству с музыкальным наследием узбекского народа.

Ўзбек музыка мероси икки улкан соҳа — халқ ижоди, яъни кўп қиррали мавзу билан характерланувчи, ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга тақалувчи ҳамда соддароқ тузилишдаги фольклор жанрлари ва худди шу негизда шаклланган мураккаброқ тузумли, ривожланган ашула ва чолғу асарлар (шу жумладан мақомлар)ни қамраб олган оғзаки анъанадаги **профессионал** (касбий) ижоддан иборатдир. Шунинг билан бирга ўзбек музыка меросида қаҳрамонона ва лирик мавзудаги дostonлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек чолғу асбоблари ва чолғу куйлари ҳам бой тасвирий имкониятлари ҳамда турларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Уларда халқимизнинг ҳар бир миллий локал услубига хос анъанавий мусиқий ҳаёт хусусиятлари ва музыкавий ижрочилик имкониятлари ўз аксини топган.

Ўзбек музыка меросида тўрт асосий локал услуб мавжуд бўлиб, бунинг биз ҳозир ҳам яққол ҳис эта оламиз. Бу Фарғона—Тошкент, Хорезм, Бухоро—Самарқанд ва Қашқадарё—Сурхондарё маҳаллий услубларидир. Уларнинг ҳар бири қадимдан кузатилиб келинган маълум этник яқинлик ва шу зоналар аҳолиси ҳаётидаги социал-иқтисодий умумийлик натижасида вужудга келган.

Республикамиз жанубий областлари — Сурхондарё ва Қашқадарё аҳолиси, бошқа областлардагидан фарқли ўлароқ, яқин ўтмишгача кўчманчиликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам бу ўлканинг музыка фольклорида чорвадор меҳнати, кўчманчи ҳаёт воқеаликларига бағишланган қўшиқлар катта ўрин эгаллайди. Айни вақтда худди шу жанубий областларда бугдойкорлик (умуман дон экинлари ундириш) билан боғлиқ қўшиқлар — ўримда айтиладиган «Ёзи», ҳўп ҳайдашда айтиладиган «Майда» кенг тарқалган.

Ушбу локал зонанинг музыка ҳаёти ҳам Ўзбекистоннинг бошқа областларидан деярли ажралиб турган. Бу ерларда энг эъзозли ўринни дoston ижрочилари—бахши ёки шоирлар ҳамда чолғучилардан моҳир дўмбирачилар эгаллайди. Бу ўлка чолғу асбоблари ўз ранг-баранглиги жиҳатидан жуда ҳам чегараланган бўлиб, асосий ва етакчи чолғу сифатида икки симли (деярли ичак симли) чертма соз — дўмбира кенг тарқалгандир. Ҳолбуки бошқа областларда дўмбира кўп учрамайди. Айни вақтда Ўзбекистоннинг бошқа областларида кенг тарқалган кўпгина чолғулар Сурхондарё ва Қашқадарёда (айниқса қўнғирот, қипчоқ, лақай ва бошқа элатлар яшайдиган районларда) совет давригача умуман ишлатилмаган.

Сурхондарё ва Қашқадарёдан фарқли ўлароқ, Бухоро ва Самарқандда ҳамда Ўрта Осиёнинг йирик маданий марказлари бўлган бу шаҳарлар атрофидаги қадимий ўтроқ аҳолида музыка санъатимизнинг бутунлай бошқача хусусиятлари гавдаланади. Бунинг биз музыкавий меросдаги фақат мавзу ёки жанрлар хусусиятидагина эмас, балки музыка-

вий ҳаётнинг ўзида: бундаги музыка ва музыкавий ижрочиликнинг оғзаки анъанадаги профессионал (касбий) ва халқ (яъни фольклор) музыкасига аниқ бўлинганини кўрамиз. Бухоро ва Самарқанддаги шаҳар музыка ҳаётида бахши роли деярли сезилмайди — улар одатда шаҳарларда кўринмайдилар. Шаҳардан ташқарида эса уларни маълум қишлоқларда учратиш мумкин. Худди шу бахшилар қўлида дўмбирани ҳам анъанавий жўрнавоз чолғу сифатида учратиш мумкин<sup>1</sup>. Айни вақтда Бухоро ва Самарқандда музыка фольклори намояндалари билан бир қаторда профессионал ҳофиз ва чолғучилар, яъни мақомлар ҳам оғзаки анъанадаги профессионал музыкаимизнинг бошқа жанрларининг моҳир ижрочилари алоҳида ўрин эгаллайдилар. Бу ерларда созанда деб номланувчи раққоса ва ашулачилар ҳам нисбатан кичик ҳажмли (жумладан циклли) ўйноқи қўшиқ-лапарлари билан кенг танилган эдилар ва улар ҳозир ҳам ўз фаолиятларини давом этдирмоқдалар.

Бу қадимий шаҳарларда жуда ҳам ранг-баранг чолғулар мавжуд. Жумладан, камонли ғижжак, сато ва қўбиз, торли чертма танбур, дотор ва рубоб, торли урма сантур ва кейинроқ чанг, пуфлама най, сурнай, карнай ва урма чолғулар — доира, ноғора ва бошқалар турли хилдаги анъанавий чолғу ансамблларни ҳам майдонга келтирдилар<sup>2</sup>. Худди шу ўлкада ашулачи, ўйинчи ва чолғучилардан иборат турли тусдаги ансамбллар ҳам кенг ривожланганди. Шаҳарларда маросим музыкалари, музиканавозлик ва шинавандаликнинг хонадонларда кенг ташкил этилиб турилиши ва унга имкони борича таниқли созанда, ашулачи ва шоирларни таклиф этишга интилиш ҳамда шаҳар шароитига хос бошқа музыкавий ҳаёт анъаналари кенг ўрин эгаллайди. Классик миллий музыка ёки оғзаки анъанадаги профессионал музыка намуналарининг худди шу ўлкада кенг тарқалганлиги, ўз навбатида, музыка фольклори айрим жанрларининг интонацион таркиби, куй шаклланиши хусусиятларига таъсир этган.

Тожик қўшиқларининг шаҳарларда ва тожиклар яшайдиган кўпгина қишлоқ жойларда кенг ижро этилиши эса бутун ўлка музыка меросининг интонацион асоси ва жанр хусусиятларига бевосита таъсир этган. Худди шу боисдан ҳам Бухоро ва Самарқанд областлари музыка фольклорининг тожик музыкаси билан маълум даражада умумийлиги кўринади. Айрим музыка жанрлари ҳар иккала қардош халқ, яъни тарихан ўз тақдири билан кўп жиҳатдан бири-бирига яқин бўлган ўзбек ва тожикларнинг умумий мероси ҳисобланади. Бунга яққол мисол Шашмақомдир. Ўз навбатида мақомлар айрим қисмларининг локал варианты Фарғона водийсида ва бутун цикл турининг Хоразмда вужудга келиши ҳам ўзаро

<sup>1</sup> Ф. Қароматов. Ўзбек дўмбира музыкаси. Тошкент, 1962.

<sup>2</sup> Ф. Қароматов. Ўзбекская инструментальная музыка (наследие). Ташкент, 1972.

асрий ҳамкорликлар, ҳамжиҳатликлар натижасидир.

Хоразм музика ҳаёти ва ижрочилик анъаналари. Бухоро — Самарқанд локал услуби билан умумий хусусиятларга эга бўлиш ва музика маданияти даражасининг улар билан қарийб бир хил бўлишига қарамай, жуда яққол локал услуби, айниқса ўзига хос колорити билан ажралиб туради. Интонацион-мелодик тузилиш ҳамда ижрочилик талқинининг ўзига хослиги ҳам қўшиқларга янгича бўёқ бағишлайди. Хоразм маҳаллий услубининг озарбайжон ва туркман музикаси билан (ва аксинча, уларнинг Хоразм музикаси билан) умумийлигини ҳам сезиш қийин эмас.

Хоразм халқ музикасига хос локал хусусиятлар сифатида дostonлар ижроси ва улардаги куйлар тусини кўрсатиш мумкин. Агар Ўзбекистоннинг бутун ўзга областларида дostonлар одатда термаларга хос речитатив-декламацион услубдаги куйлар билан ижро этилса, Хоразмда улар ёрқин қўшиқсимон куйлар билан айтилади. Ўзбекистоннинг бошқа ҳамма областларида дostonлар бахши ёки шоирнинг ўз чалишида **дўмбира** жўрлигида ижро этилса, Хоразмда бу мақсадда **датор** ишлатилади. Хоразмда дoston ижроси кўпинча ерли анъанавий ансамбль — буламон, гижжак, датор (бахшининг ўз чалишида) ва доира жўрлигида бўлади.

Хоразмнинг чолғу асбoblари ҳам ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Жумладан, юқорида номланган буламон чолғу асбоби республикамизнинг фақат Хоразм областига мансуб. Айни вақтда бу ерда дўмбира умуман учрамайди. Маълум даражада Хоразмга хос хусусият сифатида XIX асрда одат тусига кира бошлаган гармонь чалишни кўрсатиш мумкинки, у чолғу қўшиқчи халфалар ижрочилигида доимий жўрнавoз асбoб сифатида ҳозиргача кенг ишлатилмоқда. Маҳаллий локал хусусиятлардан яна бири — айрим чолғулар тузилиши, тембри, тасвирий имкониятларининг маълум даражада хоразмийлигидадир. Масалан, Хоразм датори ўз ташқи кўриниши ҳамда акустик хусусиятлари ва айрим бошқа белгилари билан Фарғона водийсига хос ҳамда у ерда жуда кенг ишлатиладиган даторлардан ажралиб туради.

Фарғона водийсининг музика фольклори ҳам ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Бу ерда асосий ўринни куй диапазони унча катта бўлмаган, тузилиши содда ва айни вақтда кўп қиррали мазмуни, бой тасвирий имкониятлари, чуқур таъсирчанлиги билан ажралиб турадиган қўшиқ-ашулалар, кўпроқ датор ёки доира жўрлигида ижро этиладиган хотин-қизлар қўшиқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Тубдан маҳаллий услубга хос вокал жанрлардан бири — катта ашула (ёки патнис-ашула) дирки, у одатда чолғу асбoblари жўрлигисиз икки ва ундан ортиқ жўровoз ашулачилар томонидан ижро этилади. Мураккаб куй тузилишига эга бўлган катта ашула жанри моҳир профессионал ашулачиларнинг ижросида фақат ўз «ватани» Фарғона водийсида эмас, Ўзбекистоннинг кўпгина бошқа областлари, Урта Осиёнинг бошқа республикалари кенг шинавандалар даврасида юқори баҳоланади. У ўзининг юксак бадний-тасвирий имкониятлари боисидан халқро анжуманларда ҳам эътиборни жалб этиб келмоқда.

Халқ ҳаётидаги маълум тарихий шароитлар туфайли бунёдга келган турли маҳаллий услублар (локал стиллар) нинг мавжудлигидан қатъи назар, худди шу услубларнинг, ўзбек халқи ва кейинроқ

миллатининг шаклланиш процессида, бир-бири билан чагишиши натижасида эришилган умуммиллий хусусиятлар ҳам ўзбек музика меросига хосдир. Умуммиллий мусиқий хусусиятлар бир меъёрга — оғзаки анъанадаги профессионал музика ҳамда музикавий фольклорга тегишлидир.

Вокал ва чолғу музикасининг мустақил жанрларига бўлинадиган ўзбек музика фольклори халқ фикр-туйғулари ва орзу-умидлари, унинг манший ҳаёти ва урф-одатлари, унинг социал ва миллий озодлик учун курашлари инъикоси сифатида бой мавзу ва жанрлар ранг-баранглиги ҳамда уларнинг турлича ишлатилишига эришди.

Ўзбек фольклоридagi қўшиқчилик ва чолғу музикаси жанрлари ўз ижро этадиган функцияси ва ижро этилиш хусусиятига биноан икки гpуппага бўлинади:

1. Маълум вақтда ёки маълум вазият билан боғлиқ ҳолда ижро этиладиган қўшиқчилик ва чолғу музикаси жанрлари, яъни маълум маросим, меҳнат процесси ва шунга ўхшаганлар билан боғлиқ бўлган куй ва қўшиқлар. Буларга мисол сифатида «Ёр-ёр» ва бошқа тўй маросими қўшиқлари, «Йиғи» ва «Садр» (кўмиш маросими йиғилари), «Майда» ва «Ёзи» (меҳнат қўшиқлари), «Алла» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

2. Ҳамма жойда ижро этиладиган вокал ва чолғу музикаси жанрлари. Бу терма (ёки чўблама), қўшиқ, лапар, ялла ва ашула ҳамда худди шундай тусдаги чолғу музикасидир. Улар ўз мусиқий тузилишидаги хусусиятлар, ижро этилиши усуллари жиҳатидан алоҳида-алоҳида жанрларга бўлингандир. Бу гpуппага мансуб ҳар бир жанрнинг ўзи алоҳида кўп қиррали тематика билан характерланади. Масалан, фақат қўшиқ<sup>1</sup> жанрининг ўзи мазмунан ишқий темада, сатирик йўналишда, тарихий темада, социал мазмунда бўлиши мумкин. Лекин бу мазмуний кўп қирралилик маълум мелодик ва поэтик тузилишга эга ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари чегарасида бўлади.

Биз классификация этган биринчи гpуппа жанрларида эса, аксинча, ўз чегараланган функцияларига кўра уларнинг ҳар бири тематик жиҳатдан ҳам тор, шартли рамкада бўлади. Масалан, кўмиш маросими билан боғлиқ йиғиларга хос интонацион-мелодик тузилиш ва мавзу ҳеч вақтда тўй маросимида ижро этиладиган қўшиқларда бўлмайди, албатта. Худди мана шунинг ўзи ҳам ҳар бир жанрдаги куйнинг эмоционал таъсирчанлиги, образлиги ва тузилишидаги хусусиятлар асосини ташкил этади. Одатда улар доимий ишлатиладиган, ўз диапазони бўйича унча катта бўлмаган ҳамда метро-ритми маълум меъёрга бўлган «беркитилган» куйлар билан характерланадилар. Айни вақтда уларда бошқароқ тусдаги куйларни ҳам учратиш қийин эмас. Масалан, тўй маросимининг маълум процесси билан бевосита боғлиқ бўлган қўшиқлар («Ёр-ёр», «Келин салом», «Тўй муборак» ва бошқалар) одатда кичик диапазонли ҳамда куплет тузилишидаги куйлар билан характерланса, кўмиш маросимида ижро этиладиган йиғилар эса куй-тематик ривожидagi импровизация элементлари ҳамда метро-ритмик эркинлик билан ажралиб туради.

Маълум лирик туйғулар билан қоришган куйлар эса кўпинча меҳнат қўшиқлари («Майда», «Ёзи» кабилар) асосини ташкил этади. Уй ҳайвонларининг юксак ижобий фазилатлари мақталадиган шеър

<sup>1</sup> Бу ерда тор, маълум жанр маъносида.

тўртликларнинг лирик мазмундагилари билан қорштириб айтилиши фақат меҳнат қўшиқларидагина эмас, балки сиргир соғилишида айтиладиган «Хўш-хўш», эчки соғишда айтиладиган «Чирай-чирай» каби афсуний қўшиқларга ҳам мансубдир.

Афсуний қўшиқларнинг ёмғир ёғилишини истаб ёки қуёш ва ой тугилганда уни тугашини тилаб айтиладиган турлари ҳам ўзбек музыка фольклорида мавжуд.

Ўзига хос интонацион-мелодик негиз ва айни вақтда маълум метро-ритмик эркинлик, куйнинг маълум даражадаги импровизацион ривожини билан характерланувчи бешик қўшиқлари — «Алла»лар ҳам ўзбек фольклорида, бошқа халқлардагидек, жуда кенг ишлатилади. Ўз метро-ритмик асоси тартибга солинган ҳамда қўшиқсимон куйга эга бўлган «Алла»лар тури эса, одатда, ўз функцияларидан ташқари вазиятда, яъни саҳна асарларида ишлатилганда ёки эстрадаларда танқидий ёки тақлидий шеърлар билан ижро этилганда учрайди. Бундай қўшиқлар кўпинча халқ-профессионал ашулачилари ижросида «Алла» номи билан юритилса-да, улар ўз бажараётган функциясига биноан иккинчи группа жанрлари, яъни ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай вақтда ижро этиладиганлар турига тааллуқли бўлиб қолади.

Бу ерда, биринчи группа қўшиқларидан фарқли ўлароқ, ҳар бир жанрнинг, юқорида қайд этганимиздек, маълум тематик кўп қирралигини яққол кўрамыз. Айни вақтда уларнинг ҳар бири — терма, қўшиқ, лапар, ялла ва ашулани алоҳида-алоҳида олганда ўз тузилишидаги характерли хусусиятлари ва ижрочилик шакллари билан ажралиб туради.

Терма куй тузилишидаги маълум речитативлик, диапазонининг торлиги ва тузилиш жиҳатидан кичик ҳажмдалиги билан характерланади<sup>1</sup>. Улар одатда 7—8 бўғинли «бармоқ» вазнидаги халқ шеърлари билан ижро этилади. Худди шундай тузилишдаги шеърлар (ёки кўп бўғинли мисралардан иборатлари) билан одатда бахшилар томонидан ижро этиладиган ҳамда маълум даражада ривожланганроқ тузилишдаги термалар асосини ҳам ташкил этади.

Диққатингизга ҳавола этилаётган биринчи китобнинг мазмунини ташкил этган қўшиқ жанри одатда 7—8 бўғинли мисралари *аава (аав, аавв)* тарзида қофияланадиган тўртликлар тури — рубоийлари (ёки уларнинг 1—2-мисрасини) қамраб оладиган, нисбатан кичик диапазон ва куплет тузилишидаги куйлардан иборатдир. Шеърлий тўртликларнинг ҳар бир мисрасига одатда тугалланган мелодик тузилма тўғри келади. Шу билан бирга тўртликларнинг кўпинча учинчи мисрасига тушадиган мантиқий урғуси куйда ҳам (нисбатан баландроқ регистрдаги овозлар, парданинг турғун бўлмаган поғоналари ва ҳоказо воситасида) берилади. Қўшиқ шеърлий тексти бўғинларининг чўзиқ айтилмаслиги эса ўз навбатида куйнинг ритмик тузилиши хусусиятларининг асосини ташкил этган.

Қўшиқ жанрида ҳар бир мисрага қўшиладиган нақарот сўзлар ҳамда ҳар бир тўртлик (ёки унинг ярмиси)дан кейин келадиган расмана нақаротлар ҳам кўп учраб туради. Қўшиқ жанрининг кўпгина музикавий-поэтик асослари лапарларга ҳам харак-

терли бўлиб, улар биринчи навбатда нақаротлар йўқлиги билан қўшиқдан ажралиб турадилар.

Лапар куйлари рақсий характерда бўлиб, одатда икки киши томонидан диалог (айтишма) тарзида ҳамда рақс-ўйинлар билан ижро этилади. Лекин Хоразмда бир ашулачи томонидан рақс этиб айтиладиган намуналарга нисбатан ҳам лапар ибораси ишлатилади<sup>1</sup>.

Рақсли куйлар ялла жанрининг ҳам асосини ташкил этади. Улар икки турда бўлади. Биринчи тур яллаларга диапазони унча кенг бўлмаган, кўп жиҳатдан қўшиқларга яқин бўлган куйлар характерли бўлиб, нақаротларининг доимийлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, нақарот қўшиқлардаги каби яқка ижрочи томонидан эмас, балки унисон хор (кўпинча тингловчилар) томонидан айтилади. Айни вақтда, нақаротлар билан айтиладиган ялланинг асосий бандлари эса яккахон яллачи томонидан рақс этиб ижро этилади.

Бундай куплет тузилишли намуналардан фарқли ўлароқ, иккинчи тур яллаларга эса, аксинча, ўз тузилиши жиҳатидан ривожланган куйлар характерли бўлиб, ундаги куй асосий бандининг (куплет — запевнинг) нақаротлар орасига олинганини (қамралганини) кўрмаймиз. Бу турдаги яллалар одатда унисон хор ва яккахон яллачининг маълум тартибда навбатма-навбат айтиши билан бирга рақс этувчи сифатида ҳам яккахон яллачи ҳамроҳлигида махсус рақсда (ёки раққос) ўйинга тушади. Бу турдаги ялла куйларининг ривожланганлиги даражаси кўп томондан ашула жанрига яқин келади.

Ашула<sup>2</sup> — лирик (ишқий, дидактик ёки социал мазмунли) чўзиқ куйли бўлиб, ўз диапазонининг кенглиги, оҳанг ривожининг батафсиллиги, синкопали ритм тузилишининг унда сероблиги билан характерланади. Бу жанрнинг поэтик тексти асосини фақат «бармоқ» вазнидаги эмас, балки профессионал шеърятга тааллуқли аруз вазнидаги шеърлар ҳам ташкил этадилар. Ашула жанрининг куйлари шеърлий текстини тўлалигича (ёки унинг бир неча бандини) қамраб олади.

Ўз ривожланган намуналарида ашула жанри оғзаки анъанадаги профессионал музикага тегишли бўлиб қолади. Худди шу соҳага мақом қисмлари тузилишига яқин бўлган ашулалардан ташқари яна бир жанр — патнис-ашула (ёки катта ашула) ҳам киради.

Катта ашула ўз куйининг жуда ҳам ривожланганлиги, диапазонининг жуда ҳам кенглиги (уч октавага яқин), оҳанг ривожининг кўламлигига қарамасдан куй асосининг речитативсимонлиги ҳамда метро-ритмик эркинлиги билан ажралиб туради. Ижро этилиши ҳам ўзига хос услубда бўлиб, икки ва ундан ортиқ ҳамнафас, яъни доимо бирга юришадиган мутахассис ашулачилар кичик ансамблининг маълум тартибда бирин-кетин ва биргалашиб айтишларидан иборатки, бунда халқ профессионал ижрочилигида қабул қилинган услубдан четлашмасликка ҳаракат қилинади.

Профессионаллик (ёки касбийлик) Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг айрим районларида ҳамда Қозғистоннинг Чимкент областидаги ўзбеклар яшайдиган қишлоқларда эса лапар иборасини «ўлан»ларга нисбатан ҳам ишлатадилар. Диалог формасида хотин-қизлар (келин вакиллари) ва эркеклар (куёв вакиллари) группаси томонидан унисон хор бўлиб ижро этиладиган бу айтишма ҳар икки томоннинг бадиий шеърлий мусобақасидан иборат бўлиб, ҳеч қандай рақсиз маълум лирик характердаги куйлар билан айтилади.

<sup>2</sup> Бу ерда тор, яъни жанр маъносиде. Маълумки, кенг маънода ашула ибораси умуман ашулачиликни англатади.

<sup>1</sup> Терма — адабиётшунослиқда халқ шеърларидаги бандлар (одатда тўртликлар)нинг маълум сюжетда мужассамланмаган, бир аниқ сюжетни ташкил этмаган намуналарига нисбатан ҳам ишлатилади.



музыка санъатида, бошқа кўпгина совет Шарқи республикалари ва ажнабий Шарқ давлатлари халқларида кузатилганидек, эрамининг биринчи асрларида шаклланди ва асрлар бўйлаб такомиллашиб, ижрочилик санъати соҳасида ҳамда турли жанрлардаги вокал ва чолғу музыкаси асарларини яратишда юксак натижаларга эришилди. Аммо ерли профессионал созандалар, ўзлари маълум даврларда айрим нота ёзувларини яратган бўлсалар-да, то бизнинг асргача нота ёзувини ижрочилик тажрибасида ишлатмаганлар<sup>1</sup>.

Ўзбек классик музыкаси ёки анъанавий профессионал музыкасига тегишли асарлар (жумладан мақомлар ҳам) оғиздан оғизга, устоздан шогирдга, авлоддан авлодга ўтиб келган, шунинг учун ҳам бу соҳа музикаларига нисбатан оғзаки анъанадаги профессионал музыка иборасини ишлатмоқдамиз.

Ўзбек анъанавий профессионал ижрочилик маданиятининг жуда ҳам ривожланганлиги туфайли узоқ ўтмишдан бошлаб мутахассис ашулачи ва чолғучиларга нисбатан алоҳида талабчанлик кўрсатилган. Одатда таниқли, йирик устоз билан ўтказилган кўп йиллик машғулотлардан кейингина профессионал ижрочи бўла олардилар. Уқиш, ўқитиш жараёни қуйидагича ўтарди: ўз қобилияти билан маълум устоз диққатини жалб эта олган ёш ашулачи худди шу устозга шогирд тутиниб кўп йиллар давомида (одатда 7—10 йил) ижрочилик санъатини ўзлаштиради, жуда кўп асарларни (иқир-чиқирларигача мумкин қадар аниқроқ ўрганиб) ёд олади. Кейин устозлар олдида имтиҳон топширгач, у тенг ҳуқуқли ижрочи мутахассис ҳисобланиши мумкин эди.

Халқ профессионал ашулачи ва чолғучиларини тайёрлаш усуллари маълум даражада фольклор жанрларининг ҳам доимий йирик ижрочилари (халфа, яллачи, созандалар)ни ёшлардан тайёрлашда ҳам қўлланилган.

Айрим касб эгаллари, масалан, дорвозлар ва шунга ўхшаган томошаларнинг бошқа вакиллари маълум йўналишдаги чолғучилар (асосан сурнайчи, карнайчи, ноғорачи ва доирачилар) билан биргаликда махсус труппалар тузганларки, уларни тажрибали музикачи бошқарган. Уларнинг ҳар бирларининг ўз қоидалари—«рисолалари» бўлган ва унинг шартларига итоат этиш ҳамма аъзолари учун шарт ҳисобланган.

Донғи кетган моҳир ашулачи ва чолғучилар, бизнинг совет давримизгача ишлатилган ўтмиш қоидаларига мувофиқ, амир саройи (ёки бошқа даражадаги ҳукмрон ўрдаси)га жалб этилганлар. Бундай ашулачи ва чолғучилар халқ оммаси олдида ўз соҳиблари руҳсатисиз қиқиб бирор нарса ижро эта олмаганлар. Бу эса улар айтиб юрадиган мақом қисмлари ва ашулаларнинг мавзуи ҳамда талқинига путур етказмасдан қолмаган, албатта. Жумладан, мақом айрим қисмларининг асосий шеърлари ҳукамога манзур текстлар билан алмаштирилган. Аммо шунга қарамасдан сарой ашулачи ва чолғучилари, аслида миллий музыка меросимизнинг халқ профессионал ижрочилари орасидан чиққанликлари туфайли кўпинча оғзаки анъанадаги профессионал музыка вокал ва чолғу асарларининг моҳир ижрочилари сифатида қолаверганлар.

Имконияти борича шу зикр этилган муаммоларнинг ҳаммасини эътиборга олишга интилдик. Ушбу

нашрнинг асосий вазифаси — ўзбек халқи музыка меросининг жанрлар ранг-баранглигини ҳамда кўп қирралилиги, бойлигини кўрсатишдир. Бу вазифани амалга оширишда ҳали деярли нашр этилмаган охириги ўн йилликда (аниқроғи, 1955 йилдан бошлаб ҳар йили) ушбу сатрлар автори томонидан ўтказилган фольклор экспедицияларининг материаллари ҳал этувчи таянч бўлади. Юқорида номланган экспедициялар ишига ора-орада радиотехник, фотограф ва бошқа техник хизматчилардан ташқари Институтимизнинг илмий ходимлари — музикашунослар М. Аҳмедов, К. Аҳмедова ва Р. Абдуллаев, театршунослар М. Қодиров ва Т. Турсуновлар, архитектор Х. Зоҳидов (халқ уй-жойлари қурилиши билан шуғулланган), филолог Л. Қароматова қанашганлар. Охириги йилларда эса Тошкент Давлат консерваторияси шарқ музыкаси кафедрасининг педагоги О. Матёкубов ҳамда худди шу кафедранинг аспирант ва студентлари қатнаша бошладилар. Айрим экспедициялар иштирокчилари сифатида Ўзбекистон фаилар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари М. Алавия, О. Собиров ва шу институтда 50- йилларда ишлаб турган Р. Султоноваларни кўрсатиш мумкин.

Олдинги йиллар нашрларида асосан 1920—1950 йилларда ёзилган, жумладан, Санъатшунослик институтининг 30- йилларда В. Успенский ва Е. Романовскаялар раҳбарлигида ўтказилган фольклор экспедициялари ҳамда 50- йиллар бошида К. Олимбоева-Аҳмедова, М. Аҳмедов ва бошқалар томонидан ўтказилган фольклор экспедицияларининг айрим материаллари ва асосан, Тошкентнинг ўзида ёки айрим бошқа шаҳарларда мутахассис ижрочилардан В. Успенский, Е. Романовская, Н. Миронов, М. Четвертаков, И. Акбаров, Ю. Ражабий, М. Юсупов ва бошқалар томонидан ёзиб олинган турли жанрдаги фольклор намуналари, дoston қўшиқлари, ашула ва катта ашулалар, мақом қисмлари вариантлари ва тўлалигича мақом цикллари қамраб олинганди. Шунинг билан бирга ўтган асрнинг 70- йилларида А. Эйхгорн томонидан республикамизнинг турли шаҳарларида ёзиб олинган қўшиқ-ашулалар, чолғу куйлари ва усуллар ҳам 60- йилларда нашр этилганди. Тақдим этилаётган ушбу тўпламларда эса олдинги тасаввурни кенгайтириш мақсадида ҳали нашр этилмаган ва бугунги кунгача айтилиб келинаётган (ёки охириги ўн йилликлар — 50—70- йилларда айтилган) ўзбек музыка фольклори ва оғзаки анъанадаги профессионал музыка намуналари киритилди.

Уқувчилар диққатига ҳавола этилаётган кўп томли нашр ўзбек халқининг музыка меросини, асосан миллий музикавий фольклорнинг XX асрдаги ҳолати — кўпгина жанрларнинг замона талабига жавоб берарли даражада кенг ижро этилаётганини ҳамда улардаги ўзгаришларни кўрсатиш билан бирга олдинги нашрларни янги намуналар, эндигина ёзиб олинган жанрлар билан тўлдиришдир. Кўпгина фольклор жанрлари билан бир қаторда дostonлар музикасининг тўлароқ ёзуви ҳамда анъанавий театрлаштирилган ўзбек томошалари музыкаси ҳам биринчи маротаба нашр этилмоқда. Олдинги нашрларда фольклор намуналари уларнинг тематикасига, олдинги нашрларни янги намуналар, эндигина давригача бўлган қўшиқлар ҳамда чолғу музыкаси тарзида берилганди. Локал районларга бўлиб бериш намунасини биз Н. Мироновнинг «Песни Фер-

<sup>1</sup> И. Раджабов. Қ истории нотной письменности на Востоке. «Общественные науки в Узбекистане», 1962, № 10, с. 32—58.

ганы, Бухары и Хивы» (Тошкент, 1931) китобида қўрамиз.

Ушбу нашрда эса фольклор ва умуман мерос намуналарини жанрларга бўлиб бериш вазифаси қўйилди. Ҳар бир том ўзбек халқи музика меросининг алоҳида бир жанрига ёки бир-бирига яқин бўлган бир неча жанрларига бағишланган бўлади:

Том I (икки китобда) — «Қўшиқ».

Том II — «Терма, лапар ва ялла».

Том III (икки китобда) — «Ашула».

Том IV — «Маросим, меҳнат ва шунинг каби маълум вазият ва вақт билан боғлиқ бўлган айтимлар».

Том V — (уч китобда) — «Ўзбек дostonлари».

Том VI (икки китобда) — «Чолғу музикаси».

Том VII — «Театрлаштирилган анъанавий ўзбек томошалари» (дорбозлар, қўғирчоқбозлар, масхарабозлар каби анъанавий миллий томошалар вакилларида ёзиб олинган томошалар музикаси ва текстлари).

Охириги VII том ўзбек халқ театри тадқиқотчиси, кўпгина фольклор экспедицияларимиз қатнашчиси М. Қодиров ҳамкорлигида нашрга тайёрланади.

Тақдим этилаётган I томнинг ушбу биринчи китобидаги қўшиқ жанри асосан Ўзбекистоннинг деярли ҳамма районларида ёзиб олинган бўлиб, фақат айримлари Туркистон райони (Қозоғистоннинг Чимкент области)дан намуна сифатида берилди. Иккинчи китоб эса деярли Ўзбекистон территориясидан ташқарида — Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги ўзбеклар яшайдиган қишлоқларда ёзиб олинган намуналардан иборат бўлиб, олдин нашр этилмаган айрим Ўзбекистоннинг ўзида ва Қорақалпоғистон АССРда ёзиб олинган қўшиқлардан иборат бўлади.


Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобдаги қўшиқлар жуда ҳам содда бир принципда жойлаштирилган. Олдин замонавий темадаги қўшиқлар, жумладан замонавий мавзудаги шеърлар билан айтилган анъанавий қўшиқ куйлари (№№ 1—15) берилди. Кейин анъанавий эски шеърлар билан ёзилган қўшиқлар келтириладики, уларнинг айрим тўртликлари ўзгариб замонавий тус олган ёки совет воқелигини акс этдирувчи янги тўртликлар қўшилиб қолган (№№ 16—37). Тўпلامдаги қолган қўшиқлар (№№ 38—100) текстлари ҳам анъанавий бўлиб, замонавий таъсир унча сезилмайдиган намуналардан иборатдир. Тўпلامда қўшиқларга хос локал стилнинг айрим белгилари сақланган, лекин алоҳида группаларга ажратилган ҳолда эмас, ҳар бир номланган бўлим ичида берилган. Унда биринчи навбатда текстдаги маҳаллий диалект ҳамда интонацион тузилишдаги шундай томонлар сақланганки, уларсиз қўшиқ ўз локал хусусияти ва колоритини йўқотиб қўйиши мумкин бўларди.


Нашр этилаётган тўпلامларни ўзбек бўлмаган ўқувчиларга ҳам етказиш мақсадида қўшиқ текст-


ларининг русча таржимаси китоб охирида берилди. Ушбу биринчи китобдаги қўшиқлар текстларини Д. Рашидова русчага таржима қилган.


Қўшиқ жанрининг асосий музикавий тузилиши ҳамда унинг ривожига тегишли айрим масалалар нисбатан кенгроқ миқёсда, нашр этилаётган намуналари анализи билан бирга, ушбу I томнинг иккинчи китобида ёритилиб берилди.


Нашр этилаётган қўшиқ нота ёзувларида ишлатилган айрим шартли белгилар:


 — ноаниқ баландликдаги товушга сирғаниб тушиш.

 — ноаниқ баландликдаги товушга сирғаниб чиқиш.

 — одатдагидан юқорироқ олинадиган товуш.

 — одатдагидан пастроқ олинадиган товуш.

 — доирада «бум» ва «бак» оралиғидаги «кичик бум» ёки «катта бак»нинг шартли белгилангани.

 — ноаниқ баландликдаги товуш, тахминан нота чизиғида ёзилган товушга яқинроқ бўлади.

Булардан ташқари тўпلامдаги куй ноталари билан берилган текст айрим сўзларидаги бўғин ва ҳарф таги чизилганлиги — уларнинг ижрочи томонидан қўшилганини кўрсатади. Қўшиқ текстидаги нақарот сўзлар ва нақаротларнинг ҳам таги чизилган. Ижрочи томонидан қайтарилиб айтилган сўзлар ва мисралар таги эса пунктир чизиқлар билан чизилган.

Тўпلامдаги айрим қўшиқларга жўр бўлган гармонни биз бир овозли қилиб ёздик, чунки ижро вақтида эшитилиб туриладиган (одатда сози бузуқ) жўровозлар эса ижрочи томонидан фақат ноилжликдан (гармонда уларсиз чалиш имкони бўлмагани туфайли) олинади.

Ушбу нашр маълум илмий ва амалий мақсадларни олдига қўйган бўлса-да, фақат музикашунос, композитор ҳамда фольклоршуносларгагина эмас, балки ўзбек анъанавий музикавий мероси билан қизиқадиган бошқа ўқувчиларга ҳам мўлжалланган. Нашрнинг бир неча йил давомида амалга оширилиши эса ўқувчиларимизнинг тақдим этилган ҳар бир китоб ҳақидаги биз умидвор бўлган қимматли мулоҳазаларини келажак томларда миннатдорчилик билан эътиборга олиш имкониятини туғдирадики, ундан унумли фойдаланиш ниятидадирмиз.

Ф. ҚАРОМАТОВ,  
санъатшунослик фанлари  
доктори, профессор

Музыкальное наследие узбекского народа представляет собой творчество народное (т. е. собственно фольклорное с весьма глубокими древними корнями, большим разнообразием жанров, многогранностью тематики) и профессиональное (устной традиции), выросшее на почве народной музыки и вошедшее в себя развитые по форме и мелосу песни и инструментальные пьесы (в том числе и циклические вокально-инструментальные макомы). Важное место в музыкальном наследии узбекского народа занимают и дастаны — эпические сказания героического, лирико-героического и лирического содержания.

Большим разнообразием и богатством выразительных возможностей характеризуется инструментальный узбекского народа, а также жанры инструментальной музыки, во многом связанной с традициями музыкальной практики, форм музицирования и музыкального исполнительства национальных локальных стилей.

В музыкальном наследии узбекского народа четыре основных локальных стиля: фергано-ташкентский, хорезмский, бухарско-самаркандский и сурхандарьинско-кашкардарьинский. Образование этих локальных стилей — результат этнической общности и социально-экономических условий жизни населения каждой из этих зон, областей Узбекистана.

Население южных районов республики — Сурхандарьи и Кашкардарьи, в отличие от других, еще до сравнительно недавнего прошлого вело кочевой образ жизни, занимаясь в основном скотоводством и лишь отчасти земледелием. Отсюда в музыкальном фольклоре этого края преобладают песни о труде скотовода, о кочевом образе жизни. Встречаются также песни, связанные с процессами сельскохозяйственного труда — молотбы, сенокоса и т. д. Так, именно здесь наиболее популярны песни «Ёзи», исполняемые при сенокосе, или «Майда» — во время молотбы.

По музыкальному быту этот край заметно отличался от других областей Узбекистана. Здесь наиболее почетное положение занимали бахши — исполнители эпических сказаний — дастанов, а также домбрачи — исполнители на двухструнном щипковом инструменте — домбре. При ограниченности инструментария этого края, домбра являлась здесь основным и ведущим музыкальным инструментом, в то время как в других областях республики она встречалась очень редко. При этом многие популярные во всей республике музыкальные инструменты вплоть до Великого Октября не были здесь распространены (в особенности в районах, населенных конгратами, кипчаками, локайцами и другими племенами).

В отличие от Сурхандарьи и Кашкардарьи в древней Бухаре и Самарканде, а также в окрестностях этих крупных в прошлом культурных центров Средней Азии наблюдаются несколько иные направления узбекского музыкального искусства. Они проявля-

ются не только в тематике и жанрах всего музыкального наследия, но и в самом музыкальном быте, в наличии четкой дифференциации музыки (и музыкального исполнительства) на профессиональную устную традицию и народную, собственно фольклорную. В Бухаре и Самарканде роль бахши была весьма ограничена — в городах они, как правило, не выступали, а в окрестностях этих городов их можно было встретить лишь в отдельных сельских местностях. В качестве традиционного сопровождающего инструмента при исполнении дастанов бахши использовали главным образом домбру<sup>1</sup>. В Бухаре и Самарканде, наряду с «безымянными» знатоками и хранителями музыкального фольклора, особое место занимали профессиональные певцы — хафизы и инструменталисты — искусные исполнители макомов и других жанров профессиональной музыки устной традиции. Широкой популярностью пользовались здесь народно-профессиональные танцовщицы и певицы — созанда, исполнительницы разнообразных по содержанию, зачастую циклических танцевально-игровых песен малой формы.

В этих древних городах и поныне используется богатый инструментальный с большим разнообразием разновидностей: струнно-смычковые (гиджак, сато, кобуз), струнно-ударные (ранее сантур, а теперь чанг), духовые (най, сурнай, карнай) и ударные (дойра, нагора, сафаиль, занг, кошук и другие), заложившие основу различных видов традиционных инструментальных ансамблей<sup>2</sup>. Здесь получили большое развитие своеобразные ансамбли певцов, танцоров и инструменталистов. Для этих районов характерно также широкое применение музыки при совершении многих обрядов, своеобразное домашнее музицирование с проведением периодических семейных (или иных камерных) вечеров музыки и поэзии с участием (по возможности) лучших музыкантов и поэтов, а также иные явления музыкального быта, связанные с городским укладом жизни многих народов Востока. Широкое бытование в данной локальной зоне образцов профессиональной музыки устной традиции в свою очередь оказало воздействие на интонационный строй и формирование их первоисточника — определенных жанров музыкального фольклора.

Широкая популярность таджикских песен в городах и во многих населенных таджиками сельских горных и долинных местностях Бухарской и Самаркандской областей сказалась на интонационном строе и жанровых особенностях народных песен всего края. Отсюда большая общность узбекского музыкального фольклора Бухарской и Самаркандской областей с таджикской музыкой, а также

<sup>1</sup> Ф. Кароматов. Узбекская домбровая музыка. Ташкент, 1962.

<sup>2</sup> Ф. Кароматов. Узбекская инструментальная музыка (наследие). Ташкент, 1972.

наличие отдельных видов и жанров, являющихся в равной степени наследием двух братских народов — узбеков и таджиков, исторические судьбы которых были во многом сходными. Яркий пример тому — Шашмаком, приведший в свою очередь, к возникновению локальных вариантов отдельных его частей в Ферганской долине и разновидности всего цикла в Хорезме.<sup>1</sup>

Хорезмский музыкальный быт и традиции исполнительства, при наличии общих черт с бухарско-самаркандским и почти одинаковым уровнем музыкальной культуры, характеризуется ярко выраженным локальным стилем прежде всего по своему колориту. Своеобразными являются интонационно-мелодический строй и интерпретация, а также обуславливаемая местным диалектом нюансировка исполняемых песен. Несомненна и определенная общность местного хорезмского стиля с туркменской и азербайджанской музыкой (и наоборот).

К специфически локальным особенностям народной музыки Хорезма можно отнести музыкальный материал и исполнение дастанов. Если во всех областях Узбекистана они обычно исполняются в речитативно-декламационном или речитативно-напевном стиле, то в Хорезме они поются ярко выраженными песенными мелодиями. При этом, если в других областях Узбекистана дастаны исполняются в основном в сопровождении домбры (зачастую в собственном сопровождении сказителя — бахши или шаира), то в Хорезме исполнение их сопровождает (тоже в собственной игре сказителя) дутар — другой вид струнно-щипкового инструмента, характеризующегося несколько иными исполнительско-выразительными возможностями. Пение сказителя в Хорезме часто сопровождается и традиционным ансамблем в составе буламана (деревянно-духового, язычкового), гиджака (струнно-смычкового), дутара (как выше отмечалось, в собственном исполнении сказителя) и дойры (ударного).

Богатый инструментарий Хорезма также отличается своеобразием. Так, только в Хорезме бытует вышеупомянутый буламан. В то же время здесь совершенно не встречается домбра. Своеобразным хорезмским явлением стало и распространение здесь с XIX столетия однорядной гармонии, широко используемой и по сей день главным образом в качестве сопровождающего инструмента пения народно-профессиональных песенниц — халфа. Наблюдаются местные отличия в устройстве и в тембровых особенностях отдельных музыкальных инструментов. Например, хорезмский дутар по своей внешней конструкции, а также акустически-тембровым свойствам не похож на дутары, распространенные в других областях Узбекистана, в частности на ферганские.

